

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ ЗАРУРАТИ

Наргиза Зухриддиновна. Мадаминова

Фан ва технологиялар университети “Ижтимоий-гуманитар фанлар”
кафедраси мудири доценти в.б.

Резюме

Муаллиф ўз мақоласида бугунги кунда долзарб аҳамият касб этган маънавиятнинг таълим-тарбия тизимидаги аҳамияти ҳамда ушбу тушунчаларнинг мазмун-моҳияти хусусидаги фикрларни илмий асослайди.

Калит сўзлар: илм-фан, таълим, тарбия, фан, маънавият, маърифат, кадрият, инсонпарвар, дунёқараш, тафаккур, ахлоқ.

Резюме

В своей статье автор научно обосновывает актуальные сегодня взгляды на важность духовности в системе образования и содержание этих понятий.

Ключевое слово: наука, образование, воспитание, духовность, просвещение, ценности, гуманизм, мировоззрение, мышление, этика.

Resume

In his article, the author scientifically substantiates the current views on the importance of spirituality in the education system and the content of these concepts.

Key words: Key words: science, education, nurture, spirituality, enlightenment, value, humanism, outlook, mentality, morality.

Тарбия — шахсда муайян жисмоний, рухий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён; инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган хусусиятларга эга бўлишини таъминлаш йўлида кўриладиган чора-тадбирлар йиғиндиси. Тарбия инсоннинг инсонлигини таъминлайдиган энг қадимий ва абадий кадриятдир. Тарбиясиз алоҳида одам ҳам, кишилиқ жамияти ҳам мавжуд бўла олмайди. Чунки одам ва жамиятнинг



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

мавжудлигини таъминлайдиган қадриятлар тарбия туфайлигина бир авлоддан бошқасига ўтади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон мустақилликка эришгач, порлоқ истиқбол сари дадил қадам ташлаб бораётган бугунги кунда ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, уларни маънавиятли, маданиятли ва сиёсий онгли шахс этиб тарбиялаш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди.

1999 йил 14 апрелдаги Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида “Ўзбекистон XXI асрга интиломда” деб номланган маърузасида биринчи Президент И.А.Каримов мамлакатимизни янги аср арафаси ва унинг дастлабки йилларидаги ривожланиш стратегиясини белгилаб берар экан, “жамият маънавиятини янада юксалтириш”ни устувор йўналишлардан эканлигини алоҳида таъкидлаб, маънавиятга мукамал таъриф бериш билан бирга бу соҳада бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим масалани ҳам аниқ кўрсатиб ўтади: “Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир. Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, аynи замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак” [1].

Ўзбекистонда таълим тизимини тубдан ислоҳ этишга, маънавий – маърифий қадриятларимиздан ва хорижий давлатлар илғор педагогик тажрибаларидан самарали фойдаланишга, талабалар қобилиятларини ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълимни ривожлантиришга, юксак касб малакасига, миллий тафаккурга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг ишлаб чиқилиши ҳам юртимизда мазкур масалада олиб борилган амалий ишлар натижасидир. Жумладан, “маънавий тарбияни шакллантиришда оила, маҳалла ва таълим муассасалари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорлик механизмининг йўлга қўйиш” [3]. масаласи муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Масаланинг бу тарзда қўйилишининг ўзи ёшларни бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мамлакатимизда



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

амалга оширилаётган узлуксиз таълим-тарбия тизимини ислоҳ этишнинг ҳал қилувчи омили бўлиб, ёшларда инсонпарварлик руҳини қарор топтириш маънавиятни миллий заминда барқарор қилишни тақозо этмоқда.

Инсонпарварлик сифати ўзгаларни қадрлаш, эъзозлаш, ҳурмат қилиш, вафо, виждоний муносабатлар инсоннинг ўзлигини англашдан бошланади. Чунки шахснинг асл моҳияти маънавий-инсоний сифатлар билан белгиланади.

“Ўз фаолиятида маънавий-инсоний сифатларга амал қилмаган кишида маънавий-руҳий қашшоқланиш бошланиб, дастлаб уни руҳий касалликка кейин эса жисмоний тан хасталигига олиб келади”[1].

Маънавият шахсни бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган, ҳам моҳият, ҳам фаолиятга асос бўладиган қувват, куч ва қудратдир. Маънавиятсиз комил шахс бўлмагани каби, амалий фаолиятсиз маънавий камолотга эришиш мумкин эмас. Маънавият инсоннинг ахлоқи, одоби, билими, истеъдоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, иймони, эътиқоди, умумий дунёқараши, мафкуравий қарашлари занжирининг узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимдир.

Абу Наср Форобий таъбири билан айтганда, кишининг маънавий бойлиги мол-мулки билан эмас, олийжаноб маънавий-ахлоқий ва инсоний фазилатлари билан белгиланади. Демак, бу жамият, юрт камоли билан узвий боғлиқ жараён дир.

Маънавият “тақдирнинг эҳсони эмас”, шунингдек туғма хусусият ҳам эмас, балки инсонга хос фазилат бўлиб, Оллоҳ томонидан инъом этилган неъмат, у жамият тараққиёти жараёнида шаклланади.

Инсон маънавиятининг моҳияти бир-бири билан узвий боғланган ақлий, ахлоқий, илмий, амалий, мафкуравий сифат ва фазилатларнинг бир бутун тизими ҳисобланади. Бу тизимлар:

-ижтимоий-сиёсий, мафкуравий эътиқодлар, хусусан Ватан истиқболини чуқур англаш билан боғлиқ бўлган миллий онг, миллатпарварлик, миллий ифтихор туйғулари, она тилига ҳурмат, Ватанни севиш, табиатни муҳофаза қилиш, ҳар қандай шароитда ҳам она Ватан манфаатларини ҳимоя қилиш, мустақил ва ижодий фикрлаш, техника ютуқларини ўрганиш, ўзлаштириш, ривожлантириш, уларни ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилиш;

- ахлоқ – одоб борасидаги миллий, умуминсоний, диний қадриятларга риоя қилиш. Ота-она, қариндош-уруғлар ва қўни-қўшниларни самимият билан ҳурмат қилиш, виждонли, иймонли, инсофли ва ҳалол бўлиш, инсонни



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

улуғлаш, унинг манфаатларини ҳамма нарсдан юқори қўйиш, хайр-саҳоват, халқ билан ҳамнафас бўлиш, меҳр-мурувват, раҳм-шавқат сингари милли-ахлоқий кадриятларга риоя қилиш, муассасаларда, таълим-тарбия ишлари муштараклигини таъминлаш, таълим-тарбия ишларини умуминсоний кадриятларга асосланиб амалга ошириш ва ҳақозолар;

- миллий муносабатлар маданияти, жумладан, турли халқлар ўртасидаги аҳиллик, дўстлик, ҳамкорлик, ҳамдардлик, ҳамжиҳатлик.

Маънавият инсондаги яратувчилик қудратидир. Инсонда шу қудратни уйғотиш ва ҳаракатга келтиришга муваффақ бўлинса, барча улуғвор режаларни амалга ошириш учун воқеъ имкон вужудга келади. Масалага бугунги жаҳон тараққиётининг илғор даражасида ёндошилса, миллий таълимнинг энг муҳим вазифаси ҳам ан ашу имконни шакллантириш, яъни ёш авлод руҳида яратувчилик қудратини уйғотиб, уни башарият тараққиётига хизмат қилувчи муайян ўзанлар сари йўналтира билиш билан белгиланади. Зеро, биринчи Президентимиз таъкидлаганидек: “Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас кадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тарққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”[4].

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, глобаллашув даврида таълим тизимида ёшларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш, ахлоқий фазилатларнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаш, ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, маънавият пойдевори бақувват бўлмаса, бундай жамиятда ривожланиш, тараққиёт бўлмайди. Шундай экан, маънавий тарбия масаласи ҳар доим долзарб бўлиб қолаверади.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Асарлар. 7-жилд.- Б. 381.
2. Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси. Вазирлар Маъкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон қарори. www.lex.uz
3. Пазилова М. Е. “Ўқувчи маънавиятини ҳадислар воситасида шакллантиришнинг педагогик асослари” (“Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” ва “Дунё динлари тарихи” ўқув фанлари мисолида). ном.дисс. Т.: 2004. –Б.4.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008. –Б.4.
5. Mamadaliyev, X. (2022). Фарғона водийси шаҳарларнинг маъмурий бошқарув тизими (XIX аср охири–XX аср бошлари). Scienceweb academic papers collection.
6. Mamadaliyev, X. (2022). Farg‘ona vodiysi shaharlari tarixi (XIX–XX asr boshlari)/monografiya–Toshkent.:“Fan ziyosi” nashriyoti, 2022. 192 bet. Scienceweb academic papers collection.
7. Mamadaliyev, X. (2022). Россия истилоси арафасида Фарғона водийси шаҳарлари. Scienceweb academic papers collection.
8. Mamadaliyev, X. (2021). Works of local sources as an important source in the history of the cities of the Fergana valley. Scienceweb academic papers collection.
9. Mamadaliyev, X. (2021). Қўқон хонлиги тарихига оид ҳорижий манбалар. Scienceweb academic papers collection.
10. Mamadaliyev, X. (2021). Қўқон хонлиги шаҳарлари (XIX-XX аср бошлари). Scienceweb academic papers collection.
11. Mamadaliyev, X. (2020). ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАХАРЛАРИ ТАРИХИДАН...(XIX-XX АСР БОШЛАРИ). Scienceweb academic papers collection.
12. Mamadaliyev, X. (2020). Фарғона водийсида" Янги шаҳар" ларнинг пайдо бўлиши ва ўзгаришлар. Scienceweb academic papers collection.
13. Mamadaliyev, X. (2020). ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ШАХАРЛАРИ ТАРИХИДАН...(XIX-XX АСР БОШЛАРИ). Scienceweb academic papers collection.
14. Mamadaliyev, X. (2019). The role of the cities of Fergana Valley as socio-cultural centres (at the end of XIX century). Scienceweb academic papers collection.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

13. Mamadaliyev, X. (2019). Фарғона водийсидаги урбанизация жараёнлари. Scienceweb academic papers collection.
14. Mamadaliyev, X. (2019). Фарғона водийси шаҳарлари ҳудуди ва аҳоли таркибидаги ўзгаришлар (XIX аср охири–XX аср бошлари). Scienceweb academic papers collection.
15. Isломжанович, М. К. (2019). Formation of the city of Kokand during the Russian empire. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 9(7), 53-57.
16. Mamadaliyev, X. (2018). Қўқон хонлиги шаҳарларида маданий ҳаёт (XIX–XX аср бошлари). Имом Вухориё сабоқлари.
17. Madaminova, N. Z. (2018). Peculiarities of Teaching Social Subjects at High Educational Pedagogical Organizations. Eastern European Scientific Journal, (2).
18. Madaminova, N. Z. (2021). THE ROLE OF SOCIAL SCIENCES IN THE UPBRINGING OF A HARMONIOUSLY DEVELOPED GENERATION. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS, 2(09), 19-21.
19. MADAMINOVA, N. (2017). TECHNOLOGY OF TEACHING TO SOCIAL STUDIES. In МОЛОДЕЖЬ И НАУКА: ШАГ К УСПЕХУ (pp. 13-15).
20. Madaminova, N. Z. (2020). THE MEANING OF THE DEVELOPMENT OF KNOWLEDGE ON THEOLOGY. In АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВРЕМЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ (pp. 13-16).
21. Мадаминова, Н. З. (2018). Динийлик ва дунёвилик конвергенцияси. Современное образование (Узбекистан), (9), 18-24.
22. Мадаминова, Н. С. (2015). Зороастризм-философская культура узбеков. Новый университет. Серия: Актуальные проблемы гуманитарных и общественных наук, (3), 49-52.
23. Мадаминова, Н. С. (2015). Толеранность-феномен духовной культуры. Вестник магистратуры, (3 (42)), 60-62.
24. Yusupova, E. F., Djamiyev, B. A., & Madaminova, N. Z. (2022). Multiparty System Opinions in Society as an Important Factor for Ensuring Diversity and Democratizing the Country. Journal of Pharmaceutical Negative Results, 1782-1786.
25. Абдурахмонов, У. У. (2023). РОЛЬ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОГО ПОТЕНЦИАЛА В РАЗВИТИИ ТВОРЧЕСКИХ КАЧЕСТВ У МОЛОДЁЖИ



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

В ОБЩЕСТВЕ. International journal of advanced research in education, technology and management, 2(1).

26. Абдурахмонов, У. У., & Исломов, Б. С. (2016). Виды и роль здоровой социальной конкуренции в достижении профессионального мастерства молодежью. Социология и право, (1 (31)), 16-21.
27. Абдурахмонов, У. У. (2015). МЕСТО И РОЛЬ ЗДОРОВОЙ СОЦИАЛЬНОЙ КОНКУРЕНЦИИ В ПОСТИЖЕНИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО МАСТЕРСТВА МОЛОДЕЖЬЮ. Редакционная коллегия, 286.
28. Nazarovich, S. A., & Olimjanovich, X. A. (2022). FEATURES OF PREVENTING METAMORPHOSIS OF SPIRITUAL AND MORAL VALUES IN THE VIRTUALIZATION OF PUBLIC LIFE. International Journal of Early Childhood Special Education, 14(7).
29. Sanaqulov, A. (2022). FEATURES OF PREVENTING METAMORPHOSIS OF SPIRITUAL AND MORAL VALUES IN THE VIRTUALIZATION OF PUBLIC LIFE. International Journal of Early Childhood Special Education (INT-JECS).
30. Санакулов, А. (2017). Духовность-основа информационной безопасности. Молодой ученый, (19), 231-234.
31. Sanaqulov, A. N. Prospective Directions of Effective Use of Virtual Technologies in Increasing the Power of Youth. JournalNX, 897-903.
32. Санакулов, А. Н. (2022, January). ВЫРАБОТКА ИНФОРМАЦИОННОГО ИММУНИТЕТА-КАК ЗАЛОГ ПОВЫШЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННОЙ КУЛЬТУРЫ ЛЮДЕЙ. In Multidiscipline Proceedings of Digital Fashion Conference (Vol. 2, No. 1).
33. Sanakulov, A. N. (2019). MAINTENANCE OF THE WORLD OUTLOOK SECURITY IN THE INFORMATION SOCIETY. Социосфера, (4), 54-57.
34. Tulenova, G., & Sanaqulov, A. (2022). MODERN VIRTUAL TECHNOLOGY AND ITS OPPORTUNITIES. Academic research in educational sciences, 3(9), 100-105.
35. Nazarovich, S. A. (2022). DEVELOPMENT OF INFORMATIONAL IMMUNITY AS THE KEY TO INCREASING THE INFORMATION CULTURE OF PEOPLE. Conferencea, 191-196.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

36. Санакулов, А. Н. (2022). ОБЕСПЕЧЕНИЕ МИРОВОЗЗРЕНЧЕСКАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ В ИНФОРМАЦИОННОМ ОБЩЕСТВЕ. *Yosh Tadqiqotchi Jurnal*, 1(5), 290-296.
37. Nazarovich, S. A. (2022). SPIRITUAL ASPECTS AND SECURITY IN THE INFORMATION SOCIETY. *Conferencea*, 94-99.
38. Санакулов, А. Н., & Бобоёров, Ш. Б. (2022). ЁШЛАРДА ВИРТУАЛ РЕАЛЛИК (VR) ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЗАРУРАТИ. *Yosh Tadqiqotchi Jurnal*, 1(5), 281-289.
39. Sanaqulov, A. (2021). Ҳозирги давр фани ва фалсафасида виртуал реаллик муаммоси. ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ХАБАРНОМАСИ.
40. Sanaqulov, A. (2020). ВИРТУАЛ МУЛОҚОТДА ДУНЁҚАРАШ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ. БЕРДАҚ номидаги ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ.
41. Allayarova, S. U. (2023, January). BOSHLANG 'ICH SINF O 'QUVCHILARINING LUG 'AT BOYLIGINI OSHIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI. In *Proceedings of International Educators Conference* (Vol. 2, No. 1, pp. 51-56).
42. Санакулов, А. Н. (2022). ОБЕСПЕЧЕНИЕ МИРОВОЗЗРЕНЧЕСКАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ В ИНФОРМАЦИОННОМ ОБЩЕСТВЕ. *Yosh Tadqiqotchi Jurnal*, 1(5), 290-296.
43. Абсатторов, Б. (2019). ШАХС МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ БАРКАМОЛЛИГИ МЕЗОНЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ. *Вестник Каракалпакского государственного университета им. Бердаха*.
44. MAMARASULOVICH, A. V. (2021). Баркамол ёшларни тарбиялашда маънавий-ахлоқий мезон ва меъёрларнинг ўрни. АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
45. Mamarasulovich, A. V. (2022). RELIGIOUS AND PHILOSOPHICAL FOUNDATIONS OF HUMAN MORAL DEVELOPMENT. *American Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 11, 154-163.
46. Абсаттаров, Б. М., & Юсупова, Н. А. (2020). Эволюция взглядов об этике, этических критериях и этических нормах. *Ученый XXI века*, (12-1 (71)), 75-81.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

47. Absattorov, B. M. (2019). Spiritual And Moral Development Of The Person In Modern World. *Central Asian Problems of Modern Science and Education*, 4(2), 167-173.
48. Nizomi, A. B. M., & Al-Khorazmi, K. A. O. (2022). Sufism as a way of self-implementation and knowledge of the truth. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(11), 199-204.
49. MAMARASULOVICH, A. B. (2018). INNOVATORY METHODS OF WORKING WITH UNORGANIZED YOUTH. *European Science Riview*.
50. Mamarasulovich, A. B. (2021). IMPROVEMENT AND DEVELOPMENT OF ETHICAL CRITERIA AND NORMS. *European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA)*.
51. Абсатторов, Б. М. (2022). ТАСАВВУФ–ЎЗ-ЎЗИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ҲАҚИҚАТНИ БИЛИШ ЙЎЛИ СИФАТИДА. *Gospodarka i Innowacje.*, 30, 167-173.
52. MAMARASULOVICH, A. B. (2020). ИНСОН ФАОЛИЯТИДА АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕЗОНЛАРИ. *Вестник Каракалпакского государственного университета им. Бердаха*.
53. Mamarasulovich, A. B. (2023, January). YOSH AVLODNI MILLIY VA UMUMINSONIY QADRIYATLAR RUHIDA TARBIYALASH–XALQIMIZ TARBIYAVIY AN’ANALARINING O ‘ZIGA XOS JIHATLARI SIFATIDA. In *Proceedings of Scientific Conference on Multidisciplinary Studies (Vol. 2, No. 1, pp. 273-281)*.
54. MAMARASULOVICH, A. B. (2018). Zamonaviy sivilizatsiya rivoji va uning axloqiy mezonlari. *TDPU ILMIY AXBOROTLARI*.
55. Allayarova, S. U. (2023, January). BOSHLANG ‘ICH SINFI O ‘QUVCHILARINING LUG ‘AT BOYLGINI OSHIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI. In *Proceedings of International Educators Conference (Vol. 2, No. 1, pp. 51-56)*.
56. Madaminova, N. Z. (2021). THE ROLE OF SOCIAL SCIENCES IN THE UPBRINGING OF A HARMONIOUSLY DEVELOPED GENERATION. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF PEDAGOGICS*, 2(09), 19-21.
57. MADAMINOVA, N. (2017). TECHNOLOGY OF TEACHING TO SOCIAL STUDIES. In *МОЛОДЕЖЬ И НАУКА: ШАГ К УСПЕХУ (pp. 13-15)*.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th January, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

58. Madaminova, N. Z. (2020). THE MEANING OF THE DEVELOPMENT OF KNOWLEDGE ON THEOLOGY. In АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВРЕМЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ (pp. 13-16).
59. Мадаминова, Н. З. (2018). Динийлик ва дунёвилик конвергенцияси. Современное образование (Узбекистан), (9), 18-24.
60. Мадаминова, Н. С. (2015). Зороастризм-философская культура узбеков. Новый университет. Серия: Актуальные проблемы гуманитарных и общественных наук, (3), 49-52.



E- Conference Series

Open Access | Peer Reviewed | Conference Proceedings



E- CONFERENCE
SERIES